

---

## БЕШАРИҚДА ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Бешариқ туманида бўлиб, пахта теримини ташкиллаш ишлари ҳамда янги ишга туширилган ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди.

Вилоят ҳокими дастлаб Мутақиллик байрами арафасида қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилган “Ихлос Мед Сервис” хусусий клиникасини бориб кўрди. Шифокорлар билан мулоқот қилган Хайрулло Бозоров, клиникага келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар, яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Вилоят ҳокими шу куннинг ўзида “Янги ҳаёт” ва “Ёрқинжон Пайғамов” фермер хўжаликлари пахта далаларида ҳам бўлди. Фермер хўжалиги раҳбарлари ва пахтакорлар билан даладаги ҳосилни кўздан кечириб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича тавсиялар берди. Ҳосил хирмониға барака тилаб, дуо-фотиҳа қилинди ва ортидан Бешариқда бу йилги пахта теримиға киришилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-09-06 15:48:53